



O'zbekiston, Toshkent shahar, 100017, Mustaqillik maydoni, 5
Tel.: (99871) 239-13-10, faks: 239-16-30, web-site: www.uzedu.uz, e-mail: info@uzedu.uz

«11» *март* 2011 у.

54 -sonli

Б У Й Р У Қ

“Энг яхши мактаб сайти” – 2011
кўрик-танловини ташкил этиш
тўғрисида

Умумий ўрта таълим мактаблари сайтларини яратиш ва тарғибот қилиш орқали ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижодий фаоллиги ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қизиқишини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”даги ПФ-3080-сонли Фармойиши, 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 117-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, таълим тизимида изчил жорий этиш ва унга ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида 2011 йил март-май ойларида “Энг яхши мактаб сайти” кўрик-танлови ташкил этилсин.

2. “Энг яхши мактаб сайти” – 2011 кўрик-танлови Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов)га барча умумтаълим муассасаларини кўрик-танловда фаол иштирок этишини таъминлаш топширилсин.

4. Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи(Р.Норматов), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директор(Ш.Эргашев), “ZiyoNET” Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (А.Хундибаев)ларга:

кўрик-танловни ташкил этиш, Ziyonet тармоғида кўрик-танлов тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш;

кўрик-танлов натижаларини кенг тарғиб қилиш;

ғолибларни тантанали равишда тақдирлаш ишларини ташкил этиш вазифалари топширилсин.

5. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори(Ш.Эргашев)га кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш учун қимматбаҳо мукофотларни марказнинг ички имкониятлари, ташкилотчилар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан харид қилишни ташкил этиш чоратадбирларини белгилаш (1-ўрин учун – шахсий компьютер, 2-ўрин учун – рақамли фотокамера ва 3-ўрин учун – USB хард-диск 500Гб) вазифаси юклатилсин;

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига кўрик-танловда умумий ўрта таълим мактабларнинг фаол иштирокини таъминлаш, танловнинг боришини қатъий назорат остига олиш, ўз ҳудудларидаги таълим муассасалари сайтларининг юритилиши, мазмуни, фаоллигини доимий мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Ахборот хизмати (Ж.Мусаев), “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов)га кўрик-танловнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида вазирликнинг uzedu.uz сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини ташкил этиш тавсия этилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Дониёров зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Марахимов

"Энг яхши мактаб сайти – 2011" кўрик-танлови

Низоми

Расмий номи: "Энг яхши мактаб сайти" – 2011 кўрик-танлови

Расмий кўмак: Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги

Кўрик-танлов ташкилотчилари:

- Hewlett-Packard компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
- Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази
- SCINET INFO SYSTEM компанияси

Ташкилий кўмак:

Ўзбекистон ижодкор ўқитувчилари тармоғи - Edunet.uz

Кўрик-танлов расмий веб сайти: www.maktab.edunet.uz

1. Кўрик-танлов мақсади: Мактаб сайтларини яратиш ва тарғибот қилиш орқали ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижодий фаоллиги ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қизиқишини ошириш.

2. Кўрик-танлов вазифалари

- Мактаб сайтларини мактаб ва оила, ота-оналар ва болалар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот шакли тарзида шакллантириш;
- Мактаб ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш;
- Ўзбекистон мактабларининг интернетдаги фаолиятига оммавий эътиборни жалб қилиш.

3. Кўрик-танлов қатнашчилари

Кўрик-танловда расмий сайтга эга бўлган Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактаблари ва гимназиялари қатнашиши мумкин.

4. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби ва муддатлари

Кўрик-танлов 2 босқичда ўтказилади:

I- босқич: 2011 йил 25 январдан – 10 апрелгача - Кўрик-танловда қатнашиш учун талабномалар қабули ва мактаб жамоалари учун маслахатлар.

II- босқич: 2011 йил 11 апрелдан - 29 апрелгача – Жюри аъзолари томонидан мактаб сайтларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш.

2011 йил май ойи - Натижаларни эълон қилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросими.

5. Жюри аъзолари

Кўрик-танловда қатнашган мактаб сайтларини баҳолаш учун ташкилотчилар томонидан Халк таълими тизими мутахассислари, веб-технологиялар бўйича эксперт-мутахассислар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати тузилади.

6. Мактаб сайтларини баҳолаш мезонлари

- Сайтнинг безалиши
- Сайтнинг ахборотга бойлиги
- Сайтнинг таълимий қадр-қиммати
- Қайта алоқанинг самарадорлиги
- Ишланиш сифати

Изоҳ: Tas-IX даги ва UZ домен зонасида рўйхатдан ўтган сайтларга қўшимча баллар берилади.

7. Аризаларни қабул қилиш тартиби

Ариза мактаб сайтининг кўрик-танловда иштирок этишини хоҳловчи ихтиёрий шахс томонидан юборилиши мумкин. Аризада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- Мактаб рақами, шаҳар, вилоят, туман
- Мактаб сайти веб-манзили
- Мактаб раҳбарининг Ф.И.О.
- Боғланиш учун телефон рақами
- Боғланиш учун масъул шахс Ф.И.О.
- Боғланиш учун масъул шахс e-mail манзили
- Сайт администратори (ишлаб чиқувчи)нинг Ф.И.О.
- Сайт мазмунига маъсул шахснинг Ф.И.О. ва лавозими
- Сайтнинг мақсади ва вазифалари

Талабномани

- кўрик-танлов веб-саҳифасидаги махсус шаклни тўлдириш;

- электрон почта орқали edunet@scinet.uz манзилига «Танлов 2011» мавзули хат юбориш;

- ва Тошкент шаҳридаги [Мактаблараро Ресурс Марказига](#) шахсан топшириш орқали бериш мумкин.

8. Кўрик-танлов мукофотлари

Танловда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар белгиланади, совриндорлар диплом ва мукофотлар билан тақдирланади. Диплом ва мукофот мактаб раҳбарига ёки унинг вакилига берилади.

Ўзбекистон ташкилотлари ва компаниялари кўрик-танлов ҳамкори бўлиши ва ўзининг махсус мукофотларини белгилаши мумкин. Таклифлар учун манзил:
edunet@scinet.uz

9. Низомни ўзгартириш тартиблари

Кўрик-танлов ташкилий қўмитаси ушбу Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.